

Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Аҳоли муаммоларини манзилли ўрганиш, ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш мақсадида Термиз туман ҳокимлигида навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Қабулда 22 нафар фуқароларнинг сув, электр энергияси ва газ таъминоти, тиббий ёрдам, бандлик, моддий ёрдам ва бошқа масалаларга оид мурожаатлари тингланди. Фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатларнинг 4 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Айрим мурожаатларга ҳуқуқий тушунча берилган бўлса, ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган 15 та мурожаат тегишли мутасаддиларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.